



ОЧИҚ ТАЪЛИМ КУРСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Тўхтасинов Шоҳруҳ

Андижон қишлоқ хизжалиги ва ашротехнологиялар

институти, талаба

АННОТАЦИЯ

Ушбу ишда таълим соҳасида масофадан туриб хирижий ва бошқа фанларни ўрганиш масалаларига эътибор қаратилган. Ёш мутахасисларнинг тайёргарлик даражаси ва унинг ўсиши, натижадорликка эришиш йўллари ва жараени тўғрисида батафсил маълумот берилган. Очик курсларнинг имкониятлари ва уларнинг ишлаш жараени ҳақида маълумот келтирилмоқда.

Калит сузлар: қўникма, технология, билиш даражаси, тезкор фикрлаш, ахборот технология.

РЕЗЮМЕ

В данной работе уделяется внимание вопросам дистанционного обучения естественным наукам и другим предметам в сфере образования. Подробно представлена информация об уровне подготовки молодых специалистов и его росте, путях достижения результатов и процессе. Приведена информация о возможностях открытых курсов и процессе их работы.

Ключевые слова: способность, технология, уровень знаний, сообразительность, информационные технологии.

ABSTRACT

In this work, attention is paid to the issues of distance learning of science and other subjects in the field of education. Detailed information is provided on the level of training of young specialists and its growth, the ways to achieve results and the process. Information about the possibilities of open courses and their working process is provided.

Key words: skill, technology, level of knowledge, quick thinking, information technology.

Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, ахборот технологияларни жорий этиш ва таълим самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.



Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш таълим олувчи ва ўқитувчиларнинг замонавий билимларини янада бойитишда муҳим ўрин тутади. XXI асрни бемалол технологиялар ва у билан боғлиқ билимлар асри дея оламиз. Чунки билим олишнинг турлари, йўллари, усуулларини кенгайиб бормоқда.

Мутахассис билан ишлаш учун эса, албатта, у билан мулоқот қилиш қобилиятига эга ўзимизнинг ёш кадрларимиз бўлиши шарт. Бошқа томондан, олиб келинган асбоб-ускуналарга тегишли ҳужжатлар бошқа жаҳон тилларида бўлади. Мулоқотни давом эттириш учун электрон ёзишмалар амалга оширишда мобайнида шу тилдаги маданий мухитни шакллантириш жуда ҳам қатта аҳамиятга эгадир.

Юқорида санаб ўтилган омиллар қуйидаги ишларни амалга оширишни белгилаб беради:

- хорижий тилида барча соҳалар бўйича қийинчиликсиз мулоқот қила оладиган ёш мутахассисларни тарбиялаш керак,
- хорижий тилидаги ҳужжатларни миллий тилларга таржима қилиш қобилияти бор иқтидорли ёшларни аниқлаш ва изчил ишлаш,
- жаҳондаги технологиилар ва ишлаб чиқариш жараёнидан янгиликлардан ҳабардор бўлиш учун бошқа етакчи мамлакатларда ўқишини ташкил этиш лозим [3].

Мана ишларни рўёбга чиқариш мақсадида таълим муассасаларда қуйидаги ишларни бажариш керак:

- тилларни ўрганиш қобилияти бор иқтидорли ёшларни аниқлаш,
- ёш мутахассисларнинг олдидаги истиқболли режеларани тўғри шакллантириш учун имконият яратиш,
- ўрганиш учун зарурий адабиётлар ишлаш учун шарт-шароитларини шакллантириш,



- амалиётда олинган назарий билимларни кенгроқ сингдириш мақсадида турли семинар-тренинг ва бошқа тадбирлани ўтказиш.

Янги технологик воситалар яратилиши ва уларнинг хужжатларини пайдо бўлиши ёш мутахассисларнинг доимо изланишда бўлишига ижобий туртки бўлиши аниқ [4].

Оҳирги йилларда хорижий тилларни ўрганишда онлайн очик курс фаолияти ва аҳамияти ортишини кузатилади. Шу ерда шундай таълим шакли бўйича бироз кенгроқ маълумот бериб ўтсак.

MIT OpenCourseWare(OCW) онлайн очик курси

АҚШ нинг Stanford University ва Massachusetts Institute of Technology (MIT) каби бир неча нуфузли олий ўқув юртлари бепул “онлайн” курсларини тақдим этмоқда. Тажриба тариқасида илк бор ташкил этилаётган мазкур дарслар дунёнинг барча давлатларидаги талабалар учун очик. Қизиги шундаки, ушбу курсларда ўқиш мутлақо бепул ва уларни муваффақиятли тамомлаганларга диплом (сертификат) ҳам берилади (айрим курслар текин сертификат беришади лекин кўп курсларда маълум бир туловдан кейин сертификат олиш мумкин). Интернет орқали ўқув материалларини бепул ва эркин тарқатишга мўлжалланган “Очиқ дарсхона” (Open courseware) дея номланувчи электрон тизим бундан ўн йилча муқаддам МИТ томонидан ташкил этилган эди.

Шундан сўнг юзлаб бошқа коллеж ва университетлар ҳам ўқув материалларини интернетга барча учун бепул ва очик қўйиш амалиётини йўлга қўйди. Бугунга келиб MIT ва Stanford University ушбу амалиётни янги босқичга кўтаришга қарор қилди. Улар энди нафақат курсда ўтиладиган материалларни, балки дарснинг ўзини ҳам бепул тақдим этишмоқда. Расмий сайти: <http://ocw.mit.edu/index.htm> [1]

Coursera онлайн очик курси

Принстон университети, Берклидаги Калифорния университети, Мичиган Ан-Арбор ҳамда Пенсильвания университетлари ҳам ҳамкорликда бепул “онлайн”



курсларини ташкил этмоқда. Ушбу курслар “Coursera” деб номланган интернет сайтида жамланган. “Coursera”дан курсларни номлари ва йўналиши бўйича ёки уларни тақдим этаётган университетлар бўйича қидириб топишингиз мумкин. Бепул дарсларни тақдим этувчи яна бир сайт “Udacity” бўлиб, у ҳам “Coursera” билан биргаликда Стенфорд университети мутахассислари томонидан бунёд этилган.

Ушбу лойиҳа ёрдамида ҳар хил билимлар босқичи бўйича курс тизимларини ўтказадиган университетлар билан ҳамкорлик қиласди. Тингловчилар фақатгина курсларни ўқибгина қолмасдан, курс аъзолари билан билан гаплаша оладилар, курс сўнгида олинган билимни мустаҳкамлаш учун тест ва имтиҳонлар топширадилар. Расмий сайти: <https://www.coursera.org/>

The screenshot shows the homepage of Coursera. At the top, there's a banner with a woman smiling. Below it, a large section highlights "Сотни Специализаций и курсов по таким темам, как бизнес, компьютерные науки, наука о данных и многое другое". To the left, there's a sidebar with categories like "Гуманитарные науки и искусства", "Бизнес", "Компьютерные науки", etc. The main content area shows various course thumbnails and search filters. At the bottom, there are download links for the app and browser extension.

The screenshot shows the homepage of Udacity. It features a woman working on a laptop. Below her, a banner says "Best Courses. Top Institutions. Learn anytime, anywhere." The main content area displays course cards from institutions like MIT, Harvard, and Berkeley. A "Popular Courses Starting Soon" section is also visible. The footer includes a "Courses by Subject" section with a grid of subjects like Architecture, Design, Economics & Finance, etc.

EdX онлайн очиқ курси

Гарвард Университети ҳамда Массачусец Технология Институти (Massachusetts Institute of Technology - MIT) биргаликда “барча ёшдагилар ва турли миллат вакиллари учун текин, интернет орқали интерфаол таълим олишлари учун” нотижорий ташкилот ташкил этилди ва EdX таълим платформаси яратилди. Ушбу курс ёрдамида инглиз тилида Гарвард Университети, MIT ва яна Беркелей



Калифорния Университетларида ўргатиладиган курслардан билим олиш мумкин. Ушбу сайтда расмда кўрсатилган фанлар бўйича курслар қўйилган. Расмий сайти: <https://www.edx.org/>

Khan академияси курслари.

MIT ва Гарвардни битирган талаба Салманхан томонидан яратилган онлайн очик курси. Бугунги кунда Khan академияси сайтида ҳар хил мавзудаги 42000 дан ортиқ бепул микромаърузалар бор. Улардан кўпчилиги инглиз ва рус тилида. Расмий сайти: <https://www.khanacademy.org> [2]

Таълимда фанларнинг назарий ва амалий ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида мавжуд босма ва электрон ўқув адабиётлар билан бир қаторда қўшимча ўқув манбаларни ўқув жараенида олиб кириш катта самара беради. Тўғри, шу ерда бир нечта қуйидаги талabalар пайдо бўлади: хорижий тилларни етарли даражада билиш, ахборот технологияларнинг имкониятларидан кенг фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши, тезкор фикрлаш мавжудлиги, бошқа фанлардаги ўқув материалларнинг моҳиятини англаш ва янги манбалар билан боғлаш имкониятига эгалиги сингарилар.

Умумий холда шуни таъкидлаш керакки, хорижий тилларни мультимедияли дастурий воситалар ва онлайн очик курслар ердамида ўрганиш орқали нафақат хорижий тиллардан билими ошириш, балки ахъорот технологиялардан амалиетда фойдаланиш орқали ўзининг тушунчасини кенгайтиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bent B.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education. UNESCO Institute for Information Technologis in Education. 2013.ISBN 978-5-7777-0556-3.
2. Tay Vaughan. Multimedia: Making It Work. Chapter 1: What Is Multimedia?. 2011. ISBN: 978-0-07-174850-6/ p.15-130.
3. Кирыйгитов Б., Носирова М. Ахборот технологиясидан фойдаланиб хорижий тилларни ўқитиш/“Педагогик қайта тайёрлаш ва малака оширишга



қўйиладиган замонавий талабларни таъминлашда халқаро ва миллий тажрибалар уйғуналиги” республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2017. 355-357-бетлар.

4. Кирыйгитов Б., Носирова М. [Значение межпредметной связи при усвоении учебного материала](#)//Матрица научного познания, 2019. 251-256